

Масжиди Набавийнинг энг кекса хизматкори вафот этди



16:23 / 22.11.2023 1400

Шайх Абду Али Идрис оға Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг кекса хизматчиларидан бири эди.

У киши Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳужраларида хизмат қилгани учун таниқли шахслардан эди.

2023 йил 20 ноябрь куни шайх Абду Али Идрис оға фоний дунёдан дорулбақога риҳлат қилди.

Шу куни Масжиди Набавийда шом намозидан сўнг ҳозир бўлган кўп сонли намозхонлар унинг жаноза намозини ўқидилар.

Аллоҳ таоло шайх Абду Али Идрис оғанинг барча солиҳ амалларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин, жаннатнинг олий даражаларига етказсин!